

6/2022,  
noyabr-  
dekabr  
(№ 00062)



## ЭКСПОРТГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ТЕРИ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

**Эргашев Сардор Мансурович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Маркетинг" кафедраси  
мустақил изланувчиси. Тошкент, Ўзбекистон. [gulmurodov2020@mail.ru](mailto:gulmurodov2020@mail.ru)  
DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a24](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a24)

### Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган чарм-тери маҳсулотлари маркетинги, тери маҳсулотларининг импорт ва экспорт кўрсаткичлари, тери маҳсулотларига мамлакат аҳолисининг талаби, соҳада инвестицияларни жалб этиш муаммолари, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича таҳлиллар амалга оширилиб, муаммолар аниқланди ва уларни ечими бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилди.

**Калит сўзлар.** Экспорт, импорт, тери маҳсулотлари, чарм-поябзал саноати, мўйна, инвестиция, банк, ишлаб чиқариш, сифат, маркетинг, стратегия, самараדורлик.

### Аннотация

В данной статье были проведены анализы по маркетингу кожи-кожгалантерейных изделий, производимых в нашей стране, показателей импорта и экспорта кожгалантерейных изделий, спроса населения страны на изделия из кожи, проблем привлечения инвестиций в отрасль, производства готовой продукции, были выявлены проблемы и научно обоснованы были сделаны выводы и предложения по их решению.

**Ключевые слова.** Экспорт, импорт, изделия из кожи, кожевенно-обувная промышленность, мех, инвестиции, банк, производство, качество, маркетинг, стратегия, эффективность.

### Abstract

In this article, analyzes were carried out on the marketing of leather-leather products produced in our country, import and export indicators of leather products, the demand of the country's population for leather products, problems of attracting investments in the industry, the production of finished products, problems were identified and scientifically substantiated conclusions and proposals were made on their solution.

**Keywords.** Export, import, leather products, leather-shoe industry, fur, investment, banking, production, quality, marketing, strategy, efficiency.

### Кириш

Мамлакатимизда тери хомашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш, рақобатбардош поябзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, соҳа корхоналарига инвестицияларни кенг жалб қилиш, илфор технологияларни жорий этиш, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қоракўл териларининг кўпгина навлари жаҳон стандартларига тўғри келади ва халқаро бозорда юқори қадрланади. 70-80 йиллардан республикада, айниқса, Қорақалпоғистонда мўйнали ҳайвонлар - ондатра, нутрия, қундуз каби

мўйнали ҳайвонларни саноат усулида боқиш йўлга қўйилди. Улардан олинган мўйналардан устки ва бош кийимлар тикилади.

Ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини кўтариш, импорт маҳсулотлари ва хом ашёларининг кириб келишини камайтириш натижасида мамлакатимизда тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон мустақиллигига эришгач, шу вақтгача хом-ашё базасига айланиб келган Республикамиз ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ўзининг такомиллашган қайта ишланган мукаммал маҳсулотларини ишлаб чиқариш тадбирларини кўра бошлади ва бу борада анчагина муваффақиятларга эришди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан 2022 йил 24 январда чарм маҳсулотларини ишлаб чиқиши ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида умумий қиймати 60 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилади” [1] дея таъкидланган эди. Бу ўз навбатида соҳа ривожига катта кўмак бўлади.

Чарм ва мўйна саноатининг ривожланишига кимёгарларнинг ҳиссаси айниқса, катта. Бунга сабаб шуки, кимё саноатининг ривожланиши билан чарм ва мўйна саноати ривожланиб келган. Янги-янги кимёвий моддаларнинг яратилиши ва уларни чарм ва мўйна саноатида қўлланилиши, чарм ва мўйна ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллашишига, улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментларини турини кўпайишига олиб келади .

Ўзбекистон чарм-поябзал саноатини ривожлантириш учун ҳали қўп имкониятлар бор. Хусусан ушбу соҳа маҳсулотлари экспортини келгуси йилларда \$1,2 миллиардга етказиш вазифаси қўйилди, бу ҳақида Шавкат Мирзиёев соҳа вакиллари билан 24 январ куни бўлиб ўтган мажлисда таъкидлаб ўтди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қўйидагилар белгилаб олинган[1]:

- аввал берилган солиқ ва божхона имтиёzlари 2026 йилгача узайтириш;
- чет эллик мутахассисларни жалб этиш ҳаражатларининг бир қисмини қоплаб бериш; хорижий давлатларда улгуржи омбор ва савдо уйлари ташкил қилиш;
- хорижий валютада 3 йилга 4 фоизлик кредитлар ажратилиш.

Ундан ташқари, йиғилишда чарм-поябзал соҳасини республика ичida ривожлантириш масалалари ҳам мукаммал ўрганилди.

Мамлакатимизда қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши натижасида 2012-2020 йиллар мобайнида терини қайta ишлаш, чарм ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баравардан ортиқ ўсди, терини қайta ишлаш ва унга ишлов беришнинг замонавий технологиялари жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган пойабзал маҳсулотлари турлари кенгаймоқда.

Замонавий ишлаб чиқариш ва рақобатбардошликни ошириш мақсадида маркетинг стратегияларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни талабига мос маҳсулотлар билан таъминланишига кўмаклашади.

Чарм-поябзал ва мўйначилик соҳаларини экспортнинг самарадорлигини ошириш, соҳада маркетинг стратегияси қўллаш орқали маҳсулотларга миллий талабни шакллантириш, илфор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайтириш асосида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш соҳа ривожининг асоси бўлиб хизмат қиласи.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Anamika Singh "чарм ишлаб чиқарувчилар учун маркетинг стратегияси ва тармоқ моделини таклиф қилиш ривожланишга кўмаклашади, ишлаб чиқаришда рақобатбардош кучини, харажатларни камайтириш, қиймат занжири орқали янгилаш, технологик янгилаш ва шкаланинг колектив иқтисодиётини яратишга имкон беради" [2] деб таъкидлайди.

С. М. Шумилин «чарм-тери маҳсулотларини енгил саноат маҳсулотларини сифатида ўрганиб, экспортга йўналтирилганлик маҳсулотнинг сифати ва нархини бозор талаблари асосида белгилаб, рақамли маркетинг стратегиясидан фойдаланган ҳолда экспортга йўналтириш лозим" лигини айтибўтганр[3].

С.В.Тактарова ўзининг илмий ишида "Ташкилотда маркетинг стратегиясини қўллашнинг асосий мақсади этиб чекланган маҳсулотлардан аҳолининг чарм-тери маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ва миллий маҳсулотни эксперт қилиш, миллий брендни шакллантириш энг мухим вазифалардан биридир" [4] дея тарифлайди.

Борис Залесский тери маҳсулотларини экспортга йўналтиришдан аввал ҳудудларнинг маҳсулотга эҳтиёжи ва маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини маркетинг тадқиқотини амалга ошириш йўли орқали маҳсулотга бўлган талабни ўрганишни таклиф қиласди. Талабни шакллантириш йўли орқали тўйинган бозордан экспортга чиқариш лозимлигини таъкидлайди[5].

М.В.Бережкова тадбиркорликни ривожлантириш бўйича "мамлакатда чарм-тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш мақсадида энг аввало бизнес-режа ва маркетинг стратегиясини қўллаш мамлакат чарм-тери маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга имкон беради" [6] деб таърифлаган.

Савкин К.С. ўзининг "Экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг йутиклари" номли мақоласида тери маҳсулотларини экспортида хорижий хамкорларни инвестиция киритиш йўли орқали жалб этиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш, хамкорлар ёрдамида бизнес шериклик орқали маҳсулотларни экспортини ташкил қилиш лозимлиги, бунда асосий роль раҳбарда яъни раҳбарнинг қандай маркетинг стратегиясидан фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ[7]" дея келтирган.

Эргашходжаева Ш.Д., Юсупов М.А., Хакимов З.А., Абдурахманова М.М ўқув қўлланмасида саноат товарлари ва маркетинг стратегиясини соҳада қўллаш, ижтимоий-иқтисодий асослари, моҳияти, таснифи, мақсад ва вазифлари баён этилган. Унда саноат ҳаридлари ва харидорларнинг ҳулқ-атвори, харидор ва сотувчиларнинг ўзаро муносабатлари, саноат бозорини сегментлаш ва позициялаштириш, янги маҳсулотни ишлаб чиқишида маркетинг стратегияси, саноат товарлари нархини шакллантириш стратегияси, саноат дистрибуция стратегияси, саноат сотувларини бошқариш, саноат маркетингида коммуникациялар ва саноат маркетингида режалаштириш масалалари кенг ёритилган [8].

Илмий адабиётлар таҳлили натижасида шуни айтиш мумкинки, чарм-тери маҳсулотлари соҳасида маркетинг стратегиясини қўллаш йўли орқали миллий брендни шакллантириш ва ишлаб чиқаришни максималлаштириб, аҳолини бандлигига кўмаклашиш ва мамлакатни экспорт салоҳиятини оширишнинг асосини ташкил қиласди [9].

### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқот ишимизни ёритишда таққослаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуслардан фойдаланилди. Таҳлиллар мамлакатимизда чарм-тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш жуда орқадалиги, соҳани

ривожлантиришда охирги ўн йил мобайнида етарлича инвестиция киритилмаганлиги, чарм-тери маҳсулотларини қайта ишлашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва соҳага оид бошқа бир қатор муаммолар аниқланди. Маълумотлар қиёсий таҳлил усулидан яъни йиллар кесимида чарм-тери маҳсулотларини статистикаларидан фойдаланиб, чарм-тери маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган маркетинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича таҳлиллар амалга оширилган ва кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хуносаларга келинди. Тадқиқот обьекти сифатида чарм-тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни ўрганилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Тери хомашёсини қайта ишлашни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр чарм-поябзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллий маҳсулотларни ташки бозорларга олиб чиқиш ҳажмини ошириш ва тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг чарм-поябзал ва мўйна тармоғида 235 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 431,9 миллион доллар бўлиб, шундан 198,6 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Қайд этиш жоизки, айни вақтда тизимда бир минг бир юздан ортиқ ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 500 таси уюшмага аъзо бўлган. Ҳозирда 20 давлатга экспорт амалга оширилмоқда.

Маълум бўлишича, бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотлари ҳажмида аёллар поябзали улуши 23 %, болалар поябзали 8 %ни ташкил этади, холос.

Шу сабабли, чарм-поябзал соҳасини ички бозорини ҳам рағбатлантириш масаласи кўриб чиқиш лозим ва ушбу мақсадда президент томонидан қўйидаги вазифалар белгиланди:

- солиқ имтиёзи орқали рағбатлантириш;
- жойларда кадрларни ўқитиш тизимини йўлга қўйиш;
- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида замонавий Ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш, ўрта бўғин ишчиларини тайёрлаш.

Шу билан бирга Ўзбекистон чарм-поябзал саноатининг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ҳам санаб ўтиш лозим.

Хусусан 2017 йилда 760 миллиард сўмлик чарм-поябзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4 триллион 415 миллиард сўмни ташкил этган. Экспорт ҳажми 105 миллион доллардан 421 миллион долларга етган[10].

Яъни, ишлаб чиқариш қарийб 6 баробар, экспорт 4 баробар ўсган. Тайёр маҳсулотлар улуши ҳам 32 %дан 78 %га кўпайган[9].

Маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, потенциал талаб сифатида ҳудуддаги аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган ҳарид қобилияти билан таъминланган талабни таҳлил қилиш мумкин. Ушбу хизматларга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлиши ҳудуддаги ижтимоий аҳволнинг яхшиланиб бориши ва аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган талаби юқорилиги ва тадбиркор томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сифатли ва арzon бўлишига аҳолида эътибор бериш лозим.

Республикамизнинг чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида сўнгги беш йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига эътибор беридагин бўлсак соҳага жалб

қилинган инвестицияларнинг умумий қиймати 446 млн долларни ташкил қилиб, 2016 йил билан таққослаганда инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатлари 2021 йил якунин билан 13 баробарни ташкил этмоқда[10].

Шу билан бирга, чарм-пойабзал соҳасида экспортни ошириш масалалари бўйича бошқаришнинг шаклланган тизими ушбу соҳада республикамизнинг мавжуд захиралари ва салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий услублари ва инновацион ёндашувларига ўқитиш, ишлаб чиқарышда юқори сифатга эришиш учун хорижий мутахассисларни, жумладан, технолог ва дизайннерларни жалб этиш ишлари суст ташкил қилинган.

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, хом ашёни қайта ишлашни чуқурластириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайтириш асосида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш лозим.

Умуман олганда 2021 йилда инвестиция дастури доирасида 202 млн долларлик 112 та лойиҳалар ишга туширилиши таъминланини режалаштирилган, бунда 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 42 млн долларлик 29 та лойиҳалар ишга туширилиши ва 2215 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди[11].

### 2021 ЙИЛ 1-ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА МЎЙНАЧИЛИК ТАРМОФИННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2021 йилнинг 1-ярим йиллигидаги тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми

**1839,2 млрд. сўм**

2021 йилнинг  
1-ярим йиллигидаги  
маҳсулотлар ҳажми

**27,4**  
млрд. сўм

Тери  
тайерлаш



6,2 млн. дона

Чарм  
маҳсулотлари



807,5 млн. кв.дм

Пойабзал  
ишлаб  
чиқариш



52,0 млн. жуфт

Чарм-атторлик  
маҳсулотлари



46,0 млрд. сўм

2021 йилнинг  
1-ярим йиллигидаги  
тармоқ корхоналари  
томонидан

**186,6**  
млн. доллар

маҳсулотлар  
экспорт  
қилинди



1-расм. Тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари[9]

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида 2016 йилда атига 15,7 миллион долларлик инвестиция жалб этилган, бу кўрсаткич 2020 йилда коронавирус пандемияси бўлишига қарамай, 187,6 миллион долларга етди[12].

**1-жадвал**

**2016-2021 йилларда чарм-пойабзal тармоғига инвестицияларнинг жалб  
қилиниши[13]**

*млн.доллар*

Кўрсаткичлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил кутилиши	2016 йилга нисбатан ўсиш %
Инвестиция лойиҳалари	15,7	18,4	77,6	146,1	187,6	202,0	12,9 марта
Экпорт кўрсаткичлари	102,0	105,1	151,7	193,3	401,3	420,0	4,1
Маҳаллийлаштириш	2,9	3,0	3,7	36,9	42,0	65,0	22,4 марта
Саноат маҳсулотлари ишлиб чиқариш	512,4	760,0	1 748,5	2 550,6	3 647,8	4 221,0	8,2 марта

Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари натижасида сўнгги йиллар мобайнида тайёр чарм-пойабзal, чарм-атторлик маҳсулотлари, мўйна ва қоракўл териси, маҳаллий корхоналар хом ашёси асосида жундан тайёр маҳсулотлар ишилаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада қўпайди. Ўтган йил якунларига кўра соҳа корхоналари томонидан 3 трлн 647 млрд сўмлик маҳсулотлар ишилаб чиқарилди ва 2016 йил билан тақъосланганда ўсиш сурати 8 маротабадан ошган.

2021 йил якунлари бўйича “Ўзбекистонда ишилаб чиқарилган” ёрлиғи остида маҳаллий товарлар — пойабзal, чарм-атторлик, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишилаб чиқариш ҳажмлари бир неча баробар қўпайган.

Мисол учун, 2021 йил якуни билан фақат пойабзalнинг ўзи 115,0 миллион жуфтдан ортиқ ҳажмда ишилаб чиқарилган. Тақъослайдиган бўлсақ, 2016 йилда бу кўрсаткич 10,2 миллион жуфтни ташкил қилган эди.

Агар 2016 йилда хорижий давлатларга сотилган тайёр чармнинг фақат бир фоизи иккинчи ва учинчи марта қайта ишланган чарм, қолгани яримтайёр маҳсулот бўлган бўлса, 2021 йил якунига келиб, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларнинг экспорти 420 миллион долларга етди.

Made in Uzbekistan - ҳозирда мазкур ёрлиқ остидаги чарм-пойабзal ва мўйнали маҳсулотлар дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари бозорида ўз харидорини топиб улгурган. Яқин 3-5 йил ичida улар қатори Европа ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида давлатлар билан тўлдирилади. 2021 йил охирига келиб, тармоқдаги экспорт кўрсаткичи 2016 йилга нисбатан 4,1 баробарга ортди. Агар чарм-пойабзal ва мўйнали товарлар ишилаб чиқариш тармоқларининг экспорт динамикасига назар солсақ, бу хисоб-китоблар тизимли ёндошувга таянган ҳолда соҳани ривожланганлигидан дарак беради.

**2-жадвал**

**2016-2021 йилларда пойабзal ишилаб чиқариш ҳажмлари [13]**

*млн.жуфт*

Кўрсаткичлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил кутилиши	2016 йилга нисбатан ўсиш %
Пойабзal	10,2	10,8	58,1	86,1	105,1	115,0	11,3 марта

Ўзбекистонда хом ашё етарли. Фақат илгари уни қайта ишлаш орқада қолганди. Чунки маҳсус технологик жиҳозлар етишмасди. Шу боис чармга бир мартагина ишлов берилиб, четга экспорт қилинарди. Айни шу мақсадда сўнгги пайтларда тизим корхоналари Италия, Германия, Туркия, Хитой каби саноати ривожланган давлатларнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг яхши дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги хом ашёни қайта ишлаш марказига айлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириляпти. Пировардида қўшни республикалардан тери шу ерга келтирилади ва чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу дегани — янги корхоналарда учинчи марта ишлов берилган тайёр чарм ҳосил бўлади. Ундан бичиб-тиклидиган маҳсулот эса сифатлилиги туфайли, албатта, эътиrozсиз қабул қилинади. Бу албатта катта ютуқ бўларди.

Соҳадаги асосий муаммолар сифатида:

- чарм-тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий техниканинг етишмаслиги;
- халқаро бозорларга чиқиш учун мамлакатимиизда кўргазмалар ташкил этилмаслиги;
- ҳудудларда тери маҳсулотларини йиғиш пунктларининг мавжуд эмаслиги ёки етарлича эмаслиги;
- соҳада инвестиция кириб келишининг камлиги;
- соҳада малакали кадрлани тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта ўқитиш тизимларининг етишмаслиги.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда чарм-пойабзал саноатининг барқарор ривожи ва инвестицион мұхит халқаро брендларни ҳам юртимизга кенг жалб этилмоқда. Мисол учун дунёга машҳур Кари бренди Ўзбекистонда якнан бир йил ичидаги ўз брендини пойабзал ишлаб чиқаришни бошлайди. Бугунги кунда 1500 та савдо тармоғига эга компания йилига 50-60 млн жуфт пойабзални харидорларга етказиб беради. Айни вактда завод учун Жиззах вилоятида қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган.

Юртимизда соҳани ривожлантириш имконияти ниҳоятда юқори. Чунки мұхим хомашё сероблиги баробарида, қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция мұхити яратилган. Бу эса чет эл сармояси иштирокида терини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган илғор корхоналар очилишида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида шуни аутиш мүмкинки, чарм-тери маҳсулотларидан фойдаланиш бўйича мамлакатимиизда ҳамма шароит имкониятлар мавжуд. Асосий муаммо мутахассислар етишмаслигидир. Биринчи навбатда соҳа бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш тизмини йўлга қўйиш лозим, шу билан бирга:

импорт қилинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

халқаро саноат кўргазмаларида иштирок этиш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг кенг доирасини жалб қилиш;

хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, ҳудудларда тери йиғиш пунктларини кўпайтириш;

янги ишлаб чиқариш объектларини инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкил этиш;

экспорт салоҳиятини юксалтириш ва маҳаллий чарм, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

мавжуд ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш ва уларнинг атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлаш;

соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар ишчиларининг малакасини ошириш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш лозим бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.М.Мирзиёев. “Чарм-пойабзал саноатидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди” 24.01.2022 <https://president.uz/uz/lists/view/4930>
2. Anamika Singh “Strategies for Enhancing the Competitiveness of Leather Industry in India” India 2020 y. 79 p.
3. С. М. Шумилин “Об основных направлениях развития легкой промышленности Российской Федерации” М. 2019 г. <https://www.booksite.ru/fulltext/puty/pov/ysh/eniya/1.htm>
4. С.В.Тактарова “Разработка системы управления предприятия по производству кожаных изделий» Пенза. 2017г. 33с.
5. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/279016/1/LAP-64-NT%2CNS-5.pdf>
6. М.В.Бережкова “Бизнес-план по изготовление кожаных изделий» М. 2019г. 23с.
7. Савкин К.С. “Преимущество экспорта для малого и среднего бизнеса” М. 2016г. <https://www.savkinks.ru/export-bonus.htm>
8. Эргашходжаева Ш.Д., Юсупов М.А., Хакимов З.А., Абдурахмонова М.М. «Маркетинг» Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт 2019. 190 б.
9. Муаллиф томонидан илмий изланишлари натижасида ишлаб чиқилди
10. <https://review.uz/oz/post/charm-poyabzal-va-moynachilik-sohalarida-investiciyalar-hajmi-songgi-besh-yilda-13-barobar-osdi>
11. www.stat.uz – Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилди
12. <https://review.uz/oz/post/ozcharmsanoat-2021-yilda-tayyor-mahsulotlar-eksportini-420-million-dollarga-etkazmoqchi>
13. www.stat.uz – Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилди